

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 579-ҳадис

## 1. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:

Бир аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига түқилган бир бурда (түқима ҳошияли шамла кийим) олиб келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, буни сизга кийдираман, деб ўз қўлим билан түқиганман», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига керак бўлгани учун ҳам уни олдилар. Сўнgra (ичкарига кириб), изор ўрнида кийиб, бизнинг олдимизга чиқдилар. Шунда ўша ердагилардан бири: «Мунча ҳам яхши экан, шуни менга кийдиринг», деди. У зот: «Хўп», дедилар. Бас Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ердаги мажлисда ўтириб, кейин қайтиб, уни тахлаб, халиги кишига бериб юбордилар. Қавмдагилар у кишига: «Яхши иш қилмадинг, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бирор нарса сўраган кишига йўқ демасларини билар эдинг-ку», дейишиди. У киши эса: «Аллоҳга қасам, мен буни кийиш учун сўрамадим. Балки кафаним бўлиши учун сўрадим», деди. Саҳл: «Ўша унинг кафандиги бўлди», дедилар.

*И мом Бухорий ривояти.*

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



